

14 OKTYABR KUNI PREZIDENT SHAVKAT MIRZIYEV TOHKENT VILOYATI DA AMALGA OSHIRILAYTGAN BUNEDKORLIK ISHLARI VA SANOAT KORXONALARI FAOLIYATI BILAN TANIISHDI

Tohkent tumani markazi zamonaaviy kiyfa kasb etdi

Давлатимиз раҳбари Тошкент туманига таширди буюрди. Илгари бу ернинг маркази йўқ эди. Келес йўли кўчаси бўйлаб янги бино ва мажмуалар қад кўтаргач, ҳудуднинг кийфаси таоман ўзгарди. Хусусан, ушбу бош кўча кенгайтирилган ҳолда қайта қурилди. Унинг икки тарафида Давлат хизматлари маркази, Ёшлар маркази, маданият саройи, амфитеатр, универсал спорт мажмуаси, хотира майдони ва сайилгоҳ каби кўркам иншоотлар барпо этилди.

Эски, пастқам уйлар ўрнида 41 та кўп қаватли тураржой қурилди. Энди улардаги 2 минг 536 та хонадонда 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу уйларнинг ертўла ва биринчи қаватида савдо, умумий овқатланиш, маиший ва молиявий хизматлар бўйича 270 та шохобча ташкил қилинмоқда. Уларда 1 минг 350 киши, жумладан, шу ерлик ёшлар ва аёллар ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Президент автосаноат корхонасида бўлди

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Technologies of real time» Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Президент 2019 йилда «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркасида мазкур корхона маҳсулотлари билан танишиб, зарур кўрсатмалар берган эди. Шу асосида модернизация ишлари амалга оширилди. Корхонадаги 12 та цехга Хитой, Россия, Корея Республикаси, Япония ва АКШдан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Бугунги кунда 118 хил русумдаги автомобилларнинг юриш, трансмиссия ва бошқарув тизимлари учун 750 дан ортқ турдаги эхтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, мутахассислар билан мулоқот қилди. Корхона шуорумида тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

«ТИНЧЛИК» кичик саноат зонасида

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига таширди чоғида Янгийўл туманидаги «Тинчлик» кичик саноат зонасида бўлиб, қатор корхоналар фаолияти билан танишди.

Бу ерга қурилган материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат тармоқларида ўн бешта лойиҳа жойлаштирилган. Шундан ўнтаси ишга таширилган. Уларда

ўтган йили 295 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Жорий йил якуналари бўйича бу рақамни қарийб икки бараварга кўпайтириш мақсад қилинган. Хозирча бу корхоналарда 1 минг 500 дан ортқ киши меҳнат қилмоқда. Барча лойиҳалар ишга тушса, бандлик яна ортади.

Мухим ижтимоий лойиҳага ҳисса

Давлатимиз раҳбари Янгийўл туманидаги «Mesal Water Technologies» корхонасини кўздан кечирди.

«Mesal Water Technologies» корхонасида сув тозалаш иншоотлари учун ўтказилган ортқ маҳсул қурилма ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳага 1,7 миллион доллар

маблағ йўналтирилиб, Хитой, Германия ва Туркиядан келтирилган энергия тежамкор технологиялар ўрнатилган. Корхона халқаро сертификатларга эга. 50 киши иш билан таъминланган.

Бундай корхоналар фаолиятининг кенгайтиши аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига ҳисса қўшиши таъкидланди.

Истиқбол режалари

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

2 миллиард долларлик 9 та лойиҳа

Янгийўл туманида 14 октябрь кунин Тошкент вилоятидаги муҳим лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилиши бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев юртимизга инвестиция киритаётган

Президентимизга умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 11 лойиҳа тақдимот қилинди.

хорижий компанияларга миннатдорлик билдириб, ишларига муваффақият тилади. Рамзий тугма босилиб, мазкур 9 та лойиҳанинг қурилиши ва фаолиятига старт берилди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллардир.

ТАРАҚҚИЁТГА УЛУШ ҚЎШИШ УЧУН

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда қўллаб янги имконият ва шароитлар яратилди. Нақд пул, валюта ва хомашё бўйича муайян чекловлар, тўсиқ ва ёғларга барҳам берилди. Натижада яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Бу эса ушбу секторда ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ўртага чиқаряпти.

Ушбу масалага тармоқ касба уюшмалари томонидан ҳам алоҳида эҳтибор қаратилмақда. Хусусий таъкидларни уюшма аъзоллигига қамраб олиш, қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда бirlашган қўшма 211 та бошланғич ташкилотда 15984 нафар аъзони бирлаштирган. 35 та нодавлат ташкилот рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларда ишловчилари касба уюшмасига жалб этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу жараёнда тармоқ корхона ва ташкилотларида ижтимоий шериклик асосида иш берувчи ва касба уюшма ташкилотлари томонидан ходимлар ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақидан қарздорлиги, иш берувчилар томонидан иш ҳақининг қафолатлан-

ган энг кам миқдорига риоя этилиши бўйича мониторинг йўлга қўйилган.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» дастурига киритилган тадбирлар бажарилиши таъминланмоқда. Ўтган даврда 160 дан зиёд кам таъминланган ёш оилалар вақилларига 140 миллион сўмдан ортқ моддий ёрдам кўрсатилди. Йигирмага яқин ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун 120 миллион сўм атрофида фоизсиз ссудалар ажратилди. Олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 10 нафарга яқин ёш ҳодимнинг контракт пуллари қисман қоплаб берилди. Қарийб 20 нафар ёш онанинг иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланди. 200 нафардан ортқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳодимнинг фарзандларига ўқув қуроллари олиб беришга кўмакла-

шилди. 200 нафардан ортқ ҳодимга вилоятдаги театр ва концерт дастурларида дам олишлари учун чипталар олиб берилди.

Қолаверса, 30 нафарга яқин шахсга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам кўрсатилди. Яна 30 нафарга яқин ҳодимга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар топширилди. 300 нафардан зиёд ишламайдиган пенсионерга моддий ёрдам ажратилди. 40 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парваришига муҳтож киши байрамлар арафасида рағбатлантирилди.

Турли саналар муносабати билан тармоқ касба уюшмалари томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш анъанага айланган. Соҳа ҳодимлари орасида эса мунтазам равишда спорт тадбирлари уюштирилмоқда.



ПРОПОРЦИОНАЛ ВА МАЖОРИТАР

Бу йилги парламент сайловидаги аралаш сайлов тизими нимаси билан аҳамиятли?

Янги нормаларга мувофиқ, бу йилги парламент сайловини аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида утказиш белгиланди. Ҳўш, аралаш сайлов тизими ўзи нима? У қай тартибда ўтади?

Аралаш сайлов тизими ўзида иккита – пропорционал ва мажоритар сайлов тизимини уйғунлаштирган. Мамлакатимизда шу вақтгача парламент сайлови мажоритар тизимда ўтган. Бунда сайловчилар томонидан энг кўп овоз олган номзодлар парламентга сайланади.

Пропорционал сайловда эса партиялар ва уларнинг ёғлари мусобақага киришади ва сайловчилар ҳам партияларга овоз беради. Сайловчилар партияларнинг дастурлари, тарғиботига кўра овоз беришади. Партия томонидан танланган номзодлар берилган овозларга қараб парламентга юборилади.

Олдинги сайловларда мутлақ энг кўп овоз олган депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган. Бунда айрим муаммолар, хусусан, қайта сайлов бўлмастлиги, овозгарчиликдан қочиб, сайлов қоидаларини бузиб, кўпроқ овоз олган номзодга овоз кўшиш ҳолатлари бўлган. Энди мутлақ кўпчилик эмас, нисбатан кўпчилик овоз берса, сайланиш учун етарли бўлади. Бу, албатта, сайлов жараёнларини осонлаштиради.

Аралаш сайлов тизимида Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати аввалгидек бевосита бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафар депутат сиёсий партияларнинг сайловда олган овозлари сонига пропорционал тарзда, партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланади.

Мажоритар сайлов тизими бўйича сиёсий партия бир мандатли сайлов округларининг ҳар бириндан биттадан, жами 75 нафар депутатликка номзодни кўрсатиш ҳуқуқига эга. Пропорционал сайлов тизимида ягона сайлов округи бўйича сиёсий партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг рўйхатида камидан 75, кўпи билан 100 нафар номзод киритилиши лозим.

Сайлов кодекси талабларига мувофиқ, партия рўйхати киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Айни бир номзод фақат битта партия рўйхатида киритилади. Бир мандатли сайлов округлари

бўйича кўрсатилган номзодлар ҳам партия рўйхатида киритилиши мумкин эмас.

Аралаш сайловнинг қулайлиги – бюллетенларнинг қолган қисмларида 5 та партия рўйхати бўлади. Сайловчилар битта партияни танлаб, овоз беришади. Бу, албатта, партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Партиялар ўз репутациясини яхшироқ кўрсатиш орқали овоз олади, шунинг учун партиялар ўз дастурлари ва имижини устидан қўчишга ишлайди. Партия теғасидаги одамларни ҳам халқ танийдиганлардан танлашга ҳаракат қилишади, бу эса партиялар фаолиятини кучайтиради.

Бир сўз билан айтганда, аралаш сайлов тизими жамяятда сайловчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Эслашиб ўтамиз: халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар аввалгидек мажоритар тизимда бўлиб ўтади.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ПАСАЙИШ

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотида кўра, Ўзбекистон кўчмас мулк бозорида пасайиш тенденцияси кузатилди. Сентябрь ойида рўйхатга олинган кўчмас мулк олди-сотди битимлари сони август ойига нисбатан **4,2 фоизга** камайиб, **21,2 мингтани** ташкил этган.

Йиллик ҳисобда кўчмас мулк бозорида фаоллик сезиларли пасайиб, ўтган йилнинг сентябрь ойига солиштирилганда, уй-жой савдоси билан боғлиқ шартномалар сони **9 фоизга** камайган. 2024 йилнинг учинчи чорағида йил давомида уй-жой савдоси **13 фоизга** камайиб, **66,5 мингтани** ташкил этди.



Статистика

Жараён

Йилнинг ўтган даврида жамоаларда ўтказилган 60 дан зиёд спартакиада, омвий юриш тадбирларида ўн минг нафардан зиёд аъзонини иштироки таъминланди. 93 та корхонада ходимлар гимнастикаси кенг йўлга қўйилди.

Байрамлар арафасида бirlашган касба уюшма қўшма томонидан минг нафардан зиёд аъзога моддий ва ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, 50 нафардан ортқ аъзо санаторийларда имтиёзли, икки нафари бепул соғломлаштирилди. Ишчи-ҳодимларнинг 100 нафарга яқин фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди. 2000 нафарга яқин аъзо Хива шаҳри ва ҳудуддаги муқаддас қадимжоларга зиёрат қилдирилди. 100 нафардан зиёд ишчи-ҳодим иштирокида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

Албатта, бу каби рақамларни давом эттириш мумкин. Мақсадимиз бундай имтиёزلардан нодавлат секторда ишловчи барча ходимлар фойдаланишига эришишдир. Зеро, ҳодимларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш орқали юртимиз тараққиётига ҳисса қўшган бўламиз.

Максуд САИДОВ,

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бirlашган қўшма томонидан

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Космик фазо, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисида»ги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақидаги қонуни имзоланди.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 июлда қабул қилиниб, Сенат томонидан 15 августда маъқулланган.

Шартнома 1967 йил 10 октябрда кучга кирган ва 2024 йил ҳолатига қура, унга 114 та мамлакат қўшилган.

Шартноманинг ратификация қилиниши Ўзбекистоннинг космик фазонини тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш, космоснинг барча ҳудудлари ва осмон жисмларига эркин кириш, шунингдек, халқаро космик лойиҳаларда, ресурслар ва билимлар алмашинувида катнашиш имкониятларини очиб беради.

14 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркман халқининг миллий етгақисини, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентимиз Туркманистон етгақисини шоир ва мугафаккир Махтумқули Фароғийнинг 300 йиллик юбилейига бағишланган халқаро форум муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор табриқлади ҳамда Ашхобод шаҳрида кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдириди.

Мамлакатимизнинг Бундашга элчилик қўшма томонидан Венгриянинг Лакитекел шаҳрида улғу мугафаккир бобоконанимиз Алишер Навоийга бағишлаб ўрнатилган бюстининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маданият вазириги ахборот хизматида кўра, ушбу бюст Венгрия-Ўзбекистон дипломатик алоқалари тарихида Ўзбекистонга бағишлаб Венгрияда очилган биринчи маданий ёдгорлиқдир. Ушбу лойиҳа венгриялик ҳайкалтарош Дёрджи Лантос томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимизда 27 октябрь кунин бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида махсус «saylov.mfa.uz» сайти ишга туширилди.

Мазкур манба Ўзбекистон Республикасининг хориждаги фуқароларига муайян енгиллик яратиш мақсадида очилди. Яъни, энди ватандошларимизда электрон тартибда муросият қилиб, консуллик ҳисобида турмасдан овоз бериш учун сайловчилар рўйхатида қўшилиш имкони бор.

Шунингдек, мазкур платформа орқали хориждаги фуқаролар экстерриториал тамойил асосида ўзлари танлаган сайлов участкасини ўзгартириш орқали қўшимча қулайликдан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Шу йилнинг 9-10 октябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг махсус вакиди Исматила Эргашева ва «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Сиддиқов бошчилигидаги мамлакат делегацияси Афғонистонда бўлди.

Ташриф доирасида Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбарияти ва расмийлари билан учрашув ҳамда музокаралар бўлиб ўтди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси Васийлик кенгашининг жорий йил 14 октябрдаги қарорига асосан 2024 йилги 1-очик стипендия танловида муносиб катнашган ва юқори балл тўплаган 411 нафар ёш «Жамғарма стипендианти» деб эътироф этилди.

ЭЛ МАНФААТИ ЙҮЛИДА

Оллоёр Сиддиқов – меҳнат фаолиятининг асосий қисмини касабга уюшма ташкилотларида самарали ўтказган нуронийлардан бири. – Илгари жамоа хўжаликларида касабга уюшмалари бор-йўқлиги деярли сезилмасди, – деб эслайди у ортда қолган йиллари. – 1978 йил мен туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси раиси муовини лавозимда ишлаётган эдим. Бир кун қишлоғимиз жамоа хўжалиги раиси олдими келиб, «Сиз колхозимизда яқинда ташкил топган касабга уюшмасига раҳбар бўласиз. Бу ҳақда райком секретари билан маслаҳатлашиб, келишиб олдим», деди. Мен рози бўлишдан унга илож тополмадим. Қишлоққа бордик. У ерда катта йиғилиш бўлди ва каминга янги ташкилот раҳбари этиб сайландим. Ҳозир шу қишлоқдан бўлганим учун колхозчилар мени яхши қабул қилишди. Қолаверса, бу соҳадаги фаолиятим узоқ йиллар давом этди...

Жамоа хўжалигида ишловчилар бир ярим минг нафардан ортиқроқ эди. Оллоёр даставвал уларнинг барчасидан ариза олиб, уюшмага аъзо қилиш, аъзолик билетларини ёзиб бериш, ҳисобга олиш карточкаларини тўлдириб ишларига бошқош бўлди. Ҳар бир кишидан иборат кўмита аъзоларининг саъй-ҳаракатлари самараси ўларок, хўжаликдаги бригадаларда, тракторлар ва автомашиналар гаражларида, қорамолчилик ва қўйчилик фермаларида ҳамда маъмурий аппаратда уюшманинг бошланғич ташкилотлари тузилиб, раислари сайланди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишларда туман қишлоқ хўжалиги ходимлари касабга уюшмаси масъуллари қатнашиб, зарур ёрдам ва фойдали маслаҳатлар бериб туришди.

Оллоёр Сиддиқов жамоат ташкилотлари раиси сифатида колхозчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга, уларнинг дам олишларини ташкиллаштириш ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратди. Жумладан, туман касабга уюшмасидан санаторий-профилакторийларга етарли миқдорда йўлланмалар олишга эришди. Бундан ташқари, жамоа хўжалиги аъзоларини ҳар йили касабга уюшмалари маблагини ҳисобидан «Тошкент – Самарқанд – Бухоро» туристик поездларида саёҳатларга юборишни йўлга қўйди. Россия шаҳарларига ҳам туристик саёҳатлар уюштирди. Натижада кўплаб кишилар Москва ва Ленинград шаҳарларига бориб келишди. Бир вагон колхозчилар эса унинг бошчилигида Болгарияда бўлишди.

Энг муҳими, уюшма аъзоларидан тушган бадал пулларининг асосий қисми смета бўйича колхоз-

чиларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланар, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари бундай кўмакка муҳтож аъзоларни аниқлаб беришар, ҳеч ким эътибордан четда қолмасди. Аммо ўша кезлар колхоз ва совхозлар ҳисобидан кун кўрадиган ташкилотлар ҳам кўпайиб кетганди. Масалан, «Сувга чўкканларни қутқариш», «Хўшёрлик учун кураш», «Археологик ёдгорликларни сақлаш» каби талай жамиятлар хўжаликларида бирор иш қилмас, фақат аъзолик бадалини сўради. Ҳолбуки, у пайтларда пахтанинг харид нархи жуда паст бўлиб, колхозлар текинтомоқ тузилмаларга маблаг ажратилган кийналарди.

Ана шу боис Оллоёр Сиддиқов бундай жамиятлар ортқчилиги ҳақида туман газетасининг 1989 йил 8 сентябрдаги сониди катта мақола билан чиқиш қилди. Андижон тумани ҳокимлиги нашри «Андижон тонги»нинг 1991 йилги 28 июнь сониди эса у ва касабга уюшма кўмитаси фаоллари доимо меҳнатқашлар орасида бўлиши тўғрисида сўз юритилган мақола чоп этилди. Унга кўмита раиси хўжалик сўт-товар фермаси чорвадорлари билан суҳбатлашаётгани акс этган фотосурат ҳам илова қилинди.

Оллоёрнинг ташаббусига биноан, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан тез-тез учрашувлар ўтказилар ва уларга касабга уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди. «Андижон тонги»нинг 1988 йил 25 февралда босмадан чиққан сони билан танишган киши бунга қатъий ишонч ҳосил қилиши мумкин.

– Мен 1967 йили Андижон пахтачилик (ҳозирги қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар) институтида 1-курсда ўқиётганимда, ка-

саба уюшмасига аъзо бўлганман, – деб эслайди Оллоёр. – 1978-1995 йилларда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида касабга уюшма кўмитаси раиси бўлиб ишладим, шунинг баробарида маълум муддат меҳнат муҳофазаси муҳандиси, бош муҳандис вазибаларини ҳам адо этдим. 1995 йили эса Агротехнология ходимлари касабга уюшмасининг Андижон тумани кўмитаси раиси Яшарбек Солиев мени муовинликка таклиф қилди. «Юқоридаги раҳбарлар нима дер экан?» дея иккиланаётганимни сезгач, «У ёғдан ташвишланма, жамоа хўжалиги раиси ва туман ҳокими ўзаро келишиб, рози бўдилар», деди. Кўп ўтмай мен туман касабга уюшмасига ишга ўтдим. Биринчи навбатда, бошланғич ташкилотларда маъмурий билан касабга уюшмалари ўртасида тузиладиган жамоат шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратдим.

Дарвоқе, Оллоёр Сиддиқов меҳнатқашларга хавфсиз меҳнат шaroитлари яратилишини назорат қилиш жуда ҳам зарур деб биларди. Чунки инсон ҳаётидан азиз ва муқаддас нарса йўқ. Нафас олаётган ҳар дақиқа вақтимизни ҳеч қандай бойлик билан алмаштириб бўлмайди. Шунинг учун корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазасига масъуллар ва касабга уюшма кўмитаси раислари меҳнат муҳофазаси тартиб-қоидалари билан чуқур танишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар ойда бўладиган президиум йиғилишида битта ташкилот-корхона раҳбари ва касабга уюшма кўмитаси раиси ҳисоботини эшитиб, қарор қабул қилиш жорий этилди. Ушбу қарор нусхаси тегишли хулоса чиқариб олиш учун туман-

Орамиздаги одамлар

даги барча ташкилот-корхоналарга юбориларди. Ишдан ноқунуий ёки асосиз бўшатишган ходимлар касабга уюшма кўмитаси аралашуви билан ўз вазифасига тикланардилар.

Оллоёр Сиддиқов кейинчалик туманда Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касабга уюшмаси раиси вазибаларини бажарувчи, Андижон шаҳар Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касабга уюшмаси раиси лавозимларида хизмат қилди. Ўша даврларда бозор иқтисодиётига ўтиш баҳонасида жамоаларда ишчи-хизматчилар сони қисқартирилди. Бу жараёнда ишдан нотўғри бўшатиш холатлари ҳам бот-бот рўй берарди. Оқибатда ариза-шикоят ёзишлар, текшир-текширлар ва ишга қайта тиклашлар авж оларди.

Оллоёр шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўқув-семинарлари ташкил этиб, корхона-ташкилотлар раҳбарлари ва касабга уюшма кўмиталари раисларини ўқитишни муҳим вазифа деб билди. Машғулотларда меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар батафсил ўрганилди. Амалга оширилган ишлар ҳақида вилоят касабга уюшмалари кенгашининг «Ҳимоя» номли газетасида мақолалар ёритиб борилди.

Оллоёр Сиддиқов касабга уюшмалари тизимиде 1978 йилдан 2000 йилгача ишлади. Шу орада ўқиди, ўрганди, бир неча бор республикалараро касабга уюшмалари курсларида қатнашиб, ҳар томонлама тобланди, ҳамкасблари ва ҳамюртлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонди. 2000 йилдан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик қошидаги «Андуслубахта» ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлими бошлиғи вазибаларига хизмат қила бошлади. Шунингдек, бадий ижод билан шуғулланиб, кўпчиликка «Ишонч» номли шеърлар, «Мисрлик дуо сўради» номли хикоялар тўпламлари муаллифи сифатида танилди.

У ҳозир етмиш беш ёшда бўлса-да, ҳориб-чарчагани йўқ. Шу боис ҳар жабҳада фаол бўлиб, ишсизликни камайитириш, камбағалликни қисқартириш, ёшларни меҳнатга жалб этиш борасида маҳалла кўмиталарига баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда.

Маҳмуджон ЖАЛИЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди

Фаолият

Таъкидлаш керакки, ишхона ҳар бир ходимнинг иккинчи уйига айланиши учун зарур маънавий-ижтимоий муҳитни шакллантириш лозим. Бунда эса касабга уюшмаларининг ҳиссаси бениҳоя катта.

Тасарруфимиздаги 630 та бошланғич ташкилот, 43 минг 706 нафар аъзонинг манфаатларини ифодалаш мақсадида барча чора-тадбирларни амалга ошириб келямиз. Айниқса, ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, ҳар бир ходим ўзининг эътибор марказида эканлигини ҳис қилса, вазибаларини чин дилдан бажарарди.

Энди сўзимизнинг исботи сифатида мисоллар келтирайлик. Йилнинг ўтган даврида 110 нафар ходимга пенсияга чиқишдан олдин моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар берилди. 45 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан тақдирланди. Бундан ташқари, 300 нафардан зиёд ишлаётган пенсионерларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиляпти. Устозлар ҳолидан ҳам мунтазам хабар олинапти. Ҳар байрамда хонадонларига бориб, дил сўзлари билдирилиб, совғалар тақдим этиляпти.

Касабга уюшмалари томонидан нафақа ёшидагиларга кўрсатилаётган бундай эътибор ёшларни ҳам руҳлантирмоқда. Улар меҳнат қадр топишига ишонч ҳосил қилганлари учун ҳам ўз вазибаларини аъло даражада бажаришмоқда.

Фарзанд тарбиялаётган ёш оналаримиз учун жамоа шартномаларида белгиланган шартлар тўла бажарилиши назоратга олинган бўлиб, икки ёшдан уч ёшгача бола парварлиши учун таътилда бўлган 48 нафар ёш онага касабга уюшмалари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган ёш оилалар вақилларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг иқтисодий шароитларини яхшилашга, муаммони ҳал қилиш учун сарфлайдиган вақтини ўз устида ишлаб, жамоага ва оиласига кўпроқ фойда келтиришига эришялмиз. Йил бошидан буён касабга уюшмалари томонидан 302 та ёш оила моддий кўмак олди. Нафақат эҳтиёжманд ходимлар, уларнинг фарзандлари ҳам қўллаб-қувватланяпти. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган бир нафар кам таъминланган ва чин етим талабанинг контракт пуллари қисман тўла берилди. Бундан ташқари, ёз мавсумида 400 нафарга яқин болажон оромгоҳларда имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди.

Йилнинг ўтган даврида 586 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиланинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди. «Ҳеч ким назардан четда қолмайди» акцияси доирасида совғаларни болажонларнинг ўзларига топширганмиз уларни янада қувонтирди.

Моддий қўллаб-қувватлаш баробарида, ҳуқуқий билимларни ошириш, муаммоларга ечим топиш юзасидан ҳам кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Натижада ҳар бир ходим касабга уюшмаси ўзининг ҳақиқий суянчи эканини англаб етмоқда.

Анора БОБОМУРОДОВА,
Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

«НАЖОТНИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ДАН ТОПДИМ»

Оптириқлик Дилфуза Тилибонованинг акалари хорижда ишлаётгани боис уни ҳам ёнларига чақирди. Дилфуза у ерга бориб, ишга жойлашди. Секин-аста уйига пул юбора бошлади. Аммо кўп ўтмай, акаларининг феъли айниб, маошини олиб қўйдиган одат чиқаришди. Табиийки, бу сингилга ёқмади. Пулини уларга бермаслигини, уйига жўнатиши кераклигини айтди. Бундан акаларининг баттар жаҳли чиқди.

Даҳанаки тортишувлар бора-бора жанжалга айланди. Охир-оқибат акалар «қулқосиз» сингилга қўл кўтара бошлади. Азоблар жонидан ўтган Дилфуза ортга қайтишга қарор қилди. Лекин «меҳрибон» акалари ишлаб топган пулларини ва паспортини олиб қўйишди. Шундай бўлса-да, Дилфуза бир амаллаб Ватанга қайтди.

Паспортини тиклашда кўмак сўраб, аввал маҳалла раисига мурожаат қилди. Иши ҳал бўлмагач, тумандаги масъул идораларга борди. Бироқ иложи бўлмади, сарсон бўлгани қолди, холос. Охириг чорани Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган 1211 «Ишонч телефони»дан излади.

Мурожаат тезкорлик билан ўрганиб чиқилди. Масъулларнинг саъй-ҳаракати билан унга фуқаролик паспорти олиб берилди.

– «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилгач, мушкулми ариди, – дейди Дилфуза Тилибонова. – Афсус, кўп идораларнинг оstonасида бекордан-бекор саргайган эканман.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Касабга уюшмаси аралашгач...



ДИЛФУЗАНИНГ МУШКУЛИ АРИДИ

Бир ташкилотда оз эмас-кўп эмас, 25 йил ишлаган Дилфуза Сатторова шу йилнинг март ойида гўёки штатлар қисқариши сабабли вазибалардан озод этилди. Ваҳоланки, тегишли қонунчиликка биноан, агар ходим штатлар қисқариши муносабати билан бўшатиладиган бўлса, иш берувчи унга бошқа лавозим таклиф қилиши керак.

Фуқаронинг мурожаати асосида кенгашимиз мазкур ҳолатни назоратга олди. Иш берувчига бу ҳаракати нотўғрилиги тушунтирилди ва кўрсатма хати киритилди. Шундан сўнг ходим ишга тикланди.

– Очиги, 25 йиллик меҳнатини сингган ташкилотда бунақа муносабат бўлиши ҳаёлимга ҳам келмаган эди, – дейди Д.Сатторова. – Ёлғиз боқувчиман, боз устига, тўлов контракт асосида таҳсил оляпман. Менга нисбатан қилинган адолатсизликдан қаттиқ тушкунликка тушиб қолдим. Яхшиямки, касабга уюшмалари бор экан, жонимга ора кирди. Барака топишсин!

Машраб МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Бугуннинг гапи

ТИЛАНЧИЛАР ҲАДДИДАН ОШИШМОҚДА

Ҳар қандай соҳа, ҳар қандай машғулот эгалари маълум қонуниятларга бўйсунилари, назоратни ҳис қилишлари ва энг муҳими – ҳаддидан ошмасликлари шарт. Ҳатто тиланчилар ҳам!



ИККИНЧИ ВОҚЕА. Лаваш еб ўтиргандим. Бир тиланчи қиз индамай ёнимга келди ва хайр сўрай бошлади. Бермаслигини билдирсам, хе йўқ, бе йўқ қўлимдаги егуликка чанг солди. Ҳайдаб солдим. Қарға-қарға кетди.

МУЛОҲАЗА. Қизиқ, булар нега бунча жиловни йўқотишди?

Улар бугун ҳар қадамда. Чорраҳаларда ҳаётга жиддий ҳавф солиб, бола кўтариб автомобиллар оралаб юришади, мачитлар ёнидан гўё меҳнат ярмаркаси ташкил қилишган, бозорлар, гавжум жойларку, тўлқ уларники. Энг ачинарлиси – бу жараёнга болаларни, гўдакларни қўрқмай жалб қилишмоқда.

Тиланчилар ишлаб топаётган ақл бовар қилмас бойликлар тўғрисида афсоналар юради. Улар бежиз эмаслиги аниқ. Динимизда бир қорин тўйгуликдан ортигини сўраш ортқчилиги таъкидланган. Нахот шу даражада оч ва

БИРИНЧИ ВОҚЕА. Рафиқам билан дўкон ёнида тўхтадик. Машинадан тушар эканмиз, бир жувон рўбарў бўлди.

– Ака, йўлқирамга 5 минг сўм бера олмайсизми?
– Узр, бера олмаман.
– Нега?
– Чунки соғломсиз, ишланг. Тиланчиликка муносиб эмассиз.
– Ҳа, сиз бойлар ҳеч берманглар-берманглар. Берсангиз, давлатингиз камайиб қолади. Билсангиз – сиз бойларда биз камбағалларнинг ҳақи бор. Бировнинг ҳақидан қўрқмасангиз ҳам Худодан қўрқинг!
Афсус, қаршимда аёл киши, қолаверса, замон ҳам кўтармайди...

яланғоч қолишаётган бўлса?!

Улар билан шуғулланаётган бирор тизим фаолияти кўринмайпти. Қонунчиликдаги юмшоқлик масъулларнинг қўлини боғлаш билан бирга, боқимандаларнинг сафи кун сайин кенгайиб, очиқ тиланчиликка киришувчилар сони ортиб боришига замин яратяпти. Чунки уларни жазолаш механизми йўқ, қўлланиладиган жарималар эса ишлаётган пуллари олдида кулгили даражада.

Натижани эса кўриб турибмиз.

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

Ўтган йили олий таълимга қамров бўйича Тошкент вилоятида энг паст кўрсаткич қайд этилгани турли шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳартуғул, бу йил 14-ўриндан 11-ўринга «кўтарилдик». Тошкент вилояти Мактабача ва мактаб таълим бошқармаси ахборот хизмати раҳбарининг берган маълумотига кўра, 2023-2024 ўқув йилида вилоятда мавжуд 876 та умумтаълим мактабини 29 минг 943 нафар ўқувчи битирган. Шундан 12 минг 193 нафари талаба бўлган. Ўртача баллар 74,4 баллни ташкил этиб, республика бўйича ўтган йилги кўрсаткичдан 3 поғона юқориларга эришилган.

«Ishonch» мухбири бунинг асосий сабаблари, шунингдек, ОТМга киришга тайёргарлик ҳақида билиш мақсадида бошқарма масъули, мактаб ҳамда Нурафшон шаҳрида жойлашган «MIF education» ўқув маркази ўқитувчилари билан суҳбатлади.



ОТМга КИРИШ: СИФАТ ЭМАС, СОН МУҲИММИ?

Диёрбек ХАЙДАРОВ,
Тошкент вилояти Мактабача ва мактаб таълими бошқармаси Умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси мудири:

– Вилоятда олий таълим билан қамров кескин пасайиб кетишига умумтаълим мактабларида таълим сифатининг тушиши, педагогларимизнинг ўз устида ишламай, «кунўтар» қабилда фаолият юритиши ва энг муҳими, таълимда бошқарувнинг издан чиқиши сабаб. Таълимда бошқарув нима? Энг аввало, мактаб раҳбари жамоада соғлом муҳитни, рақобатни шакллантириш лозим. Шундангина, таълим сифати ошади. Ундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида, олий таълим билан ҳамкорлик бутунлай издан чиққан эди.

Вилоят раҳбари Зойир Мирзаев ўтган йили 5 октябрда таълим сифатини яхшилаш борасида ўқитувчи ва педагоглар билан ўтказган учрашувда мактаблар ҳамда университетлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлаган эди. Жорий ўқув йилида эса, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда январь-май ойларида мавжуд тестлар асосида битирувчиларимиз доимий равишда синовларни топшириб, ўз билимларини синовдан ўтказди ва мустақамлади.

ҳафтасига 30 соатгача дарс олиб ишлайди. Лекин бошқа вилоятлардаги ўқитувчилар бунча соат дарс ололмайдди, чунки ўқитувчи кўп.

Шунингдек, олий таълим муассасалари билан узвий боғлиқлик жудада суст. Ўқитувчининг билими тестларни егани билан ўлчанади, унинг дарс ўтиши услубида у қадар эътибор қаратилмайдди. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар учун кераксиз фанлар кўп, уларнинг ўрнига мактабларда фанни самарали ўқитиш бўйича услубларни кўпроқ ўргатиш керак деб ўйлайман. Яна бир гап, ўқитувчи ўқувчини репетиторларга қатнаши учун дарсдан озод қилса, даволатни деб прокуратурадан гап эшитади. Аммо агар ўқувчи репетиторга бормаса, ўқишга қиролмайди. Ушанда улар бошқармадан гап эшитади ва турли «хайфсан»лар билан сиёланади.

Отабек ИГАМБЕРДИЕВ,
Нурафшон шаҳридаги 57-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси:

– Олий таълим билан қамровнинг у қадар кўтарилмаётганига бир нечта сабаб бор ва уларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Биринчиси, Тошкент вилояти пойтахтга яқин, ўқувчи таълимни давом эттиришдан кўра, фойда келтирадиган юмуш билан шуғулланади. Кейинги сабаб, рақобат кам, ўша ўз устида ишламайдиган, йиллар давомида қотиб қолган ўқитувчини ҳам раҳбар ишлатишга мажбур. Масалан, пойтахт атрофидаги мактаб ўқитувчилари

Шаҳсан мени кўп ўйлантирадиган нарсаси – ҳозир ўқувчилар ўқишга қирса бўлди, яъни сифат эмас, сон муҳим бўлиб қолди. Мактаблар шунинг ҳисобини юритиш билан овера. Тасаввур қилинг, билими 2 баҳога лойиқ ўқувчилар ўқишга қирса бўлди, қолгани аҳамиятсиз. Ота-она ҳам бефарқ, боласи қаерда бўлса ҳам, ўқиса бўлди. Келажакка кимларни етказиб берамиз, бунақада?

Юқорида айтилганидек, ўқувчининг олий таълим муассасасига кириши учун мактабда олган билимлари етарли бўлмайди. Бунинг учун у, албатта, қў-

шимча ўқув курсларига қатнаши шарт. Хўш, репети-торларда нима гаплар?

Собир САЙИТОВ,
Нурафшон шаҳридаги «MIF education» ўқув маркази раҳбари:

– Бухоронинг Қорақўл туманиданман. Ўқувчиларни математика фанидан ОТМга киришга тайёрлаётганимга 10 йил бўлди. Тошкент вилоятига эса 2021 йилда келдим.

Мендан буғунги таълим олишга интилиш ҳақида сўрадингиз, сўзим аввалида бир нарсани айтиб ўтсам. Бизнинг таълим олишимизга ота-онамиз доим эътиборли эди, қаттиққўллик қилмади. Нафақат бизнинг оилада, бошқа оилаларда ҳам бу борада қаттиққўллик ҳукмрон эди. Эҳтимоли, шунинг учун ҳам Бухоронинг таълим ва ОТМларга кириш кўрсаткичи доим олдинги ўринда бўлса, ажабмас.

Лекин мен Нурафшон шаҳрига келиб, бу ерда ота-оналар фарзандининг билим олиши учун юк-ламани кўпроқ унинг ўзига ташлаб қўйишининг ғувоҳи бўлдим. Масалан, «мана пул, ўзинг ўқув курси топ, ўзинг тайёрлан, менинг вақтим йўқ» каби ҳолатлар кўп экан. Бундай ҳолат Тошкент шаҳрида ишлаб юрганларда ҳам кўзатишга эришди.

Яна бир оғриқли нарсаси шуки, бу йил жуда кўп қизлар сиртқи бўлимларга ҳужжат топширишди. Са-

банини сўрасангиз, «Уйимдагилар шуни исташяпти», дейишдан нарига ўттирмайди. Бир-иккитасининг ота-онаси билан гаплашиб, қизларини тезроқ турмушга бериш нияти борлигини сездим. Ахир бу қанақаси? Жамият билимли бўлиши учун айнан қиз болани ўқитиш керак эмасми? Унинг хотирасида мактаб билими қолади, холос, агар ўша билимниям яхши ўқитувчидан етарлича олган ёки яхши ўзлаштирган бўлса. Турмушга чиққач, ўша сиртқи бўлимниям ёл-читиб ўқимади, унга диплом керак, холос. Энди тасаввур қилинг, ўқишга ҳамнақада қараган қиз бола келажакда ўз фарзандини ўқитиш учун қанчалик кўйиб-пишади?

Ҳаётжон МУРОДОВ,
«MIF education» ўқув маркази ўқитувчиси:

– Мен шу марказда ўқувчиларни физика фани бўйича ОТМга тайёрлайман. Тўғриси айтсам, ёшларимда билим олишга унча қизиқмасдим, лекин онам доим ҳар бир дарсимни текшириб тургани учун ўқиганман.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 8-синфда ўқирдим. Бир кунни дадам ёнимга меҳнат қуроқларини қўйди ва «Ўғлим, агар мактабни битириб, ёнимда юрман десан, мана шуларни ол, ишла. Агар ўқийман десан, билимингни кучайтир. Пойтахтга борсан, яхши ишларда ишлайсан» деди. Ушандан кейин менда билим олишга иштиёқ кучайди, ҳаёлимда пойтахтга бориш орасида гузгон урарди. Ўзи таълим олиш, ОТМга кириш, баллар кўрсаткичларининг юқорилари айнан чекка вилоятлар ҳиссасига кўпроқ тўғри келиши ҳам, айнан пойтахтга, марказроқ ерларга, чет давлатларда ўқишга интилиш тўғриси бўлади. Чунки олис ҳудудларда ҳаёт кечириб нисбатан қийинроқ.

Тошкент вилоятидаги кўрсаткичга келсак, бунга пойтахтнинг яқинлиги ҳам сабаб деб ўйлайман. Чунки у ердаги ишлаб чиқариш ва бошқа ишларда ишлаётганлар орасида эндигина мактабни битирган ва ўқишга қиролмаганлар кўп. Хайратланарлиси, ота-оналарга ҳам шу маъқул, бола пул топса бўлди, кейин сиртқи бўлсам, ўқиб олади.

Юқоридаги фикрларга кўра, айни пайтда олий таълимга кириш кўрсаткичини оширишда сифат эмас, сон муҳим. Ўқитувчиларда эса, билим бериш ва ўз устида ишлаш кейинги ўринларда. Марказ ўқитувчилари ўзлари тайёрлаган ўқувчиларнинг кириш имтиҳонларида балл тўплаш кўрсаткичлари қувонарли эмаслигини, камига, ота-оналарнинг ҳам эътиборсизлигини айтишмоқда. Булар шу жараёнлар ичида бўлиб турган 3-4 ки-шининг фикрлари, холос. Хўш, сиз-чи? Сиз қандай фикрдасиз?

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

уларни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва устувор йўналишлари

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳалар каби фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида ҳам кенг кўламли ва тизимли ислохотлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тахминан 10 мингта нодавлат ношароитли ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Улар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа турли соҳаларда муҳим роль ўйнамоқда. Фуқаролик жамияти институтлари жамиятда муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда ҳамда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги шерикликни мустақамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Нодавлат ношароитли ташкилотлари орқали фуқаролар ўз ташаббусларини амалга ошириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга сезиларли хисса қўшмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролик жамиятининг мустақамлашига ва мамлакатда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

рат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилиб, ушбу йўналишда 20 дан ортиқ қонун, Президент фармонлари ва ҳуқумат қарорлари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 83-мақсадига кўра, эркин фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ҳаба айлантириш мақсад қилинган. Стратегияда ижтимоий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар сонини камида уч баробарга кўпайтириш ва давлат дастурларида иштирок этаётган нодавлат ношароитли ташкилотлари сонини камида 80 тага етказиш вазифалари белгиланган. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтлари ролинини янада мустақамлаш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтиради. Нодавлат ношароитли ташкилотларнинг давлат дастурларига жалб этилиши фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини оширишга ҳамда жамиятда ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги концептуал ҳужжатлардан бири «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бўлиб, унинг мақсади мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадрятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат ношароитли ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда ҳамкорлигини кучайтириш, республикада барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда нодавлат ношароитли ташкилотларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш этиб белгиланган.

Ушбу вазифаларни бажариш орқали

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиши, фуқаролик жамияти институтлари ажадиган субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни ишлатиш самарадорлиги, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичларида нодавлат ношароитли ташкилотларнинг иштироки ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашиши, жамоатчилик назоратини таъсирчан амалга ошириш ишлари жадаллаштирилиши, волонтерлик ва ҳомийлик фаолияти ривожлантирилиши режалаштирилган.

Соҳани ривожлантириш учун сўнгги қабул қилинган ҳужжатлардан бири Президентнинг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳисобланади.

Фармон билан фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб: 1) давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш; 2) жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўзғалаган, жойларда сақланиб қолмаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш; 3) давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш; 4) фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш; 5) фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустақам-

лаш; 6) фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш белгиланди.

Шунингдек, ҳужжат билан ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида «Фуқаролик жамияти ҳафталиги»ни ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини билан тақдирлаш, ҳар икки йилда «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотини таъсис этиш, журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш масалалари белгиланди.

Президентнинг мазкур фармони нодавлат ношароитли ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш орқали фуқароларнинг ижтимоий ташаббусларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур ҳужжат соҳани янада ривожлантириш ва жамиятда демократик кадрятларни мустақамлашда муҳим ўрин тутди. Умуман, фармон фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини белгилаб, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамиятини янада оширишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар уларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрнини янада мустақамлашмоқда. Бу ислохотлар натижасида нодавлат ношароитли ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари давлат билан ижтимоий шерикликда фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Конституцияга фуқаролик жамиятига оид бобнинг киритилиши ва ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши фуқаролар ташаббусларини ривожлантириш учун янада кўпроқ имконият яратди.

Феруза МУҲИТИДИНОВА,
«Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси,
юридик фанлар доктори,
профессор

Мушоҳада

Биз табиатни асрасак, у бизни асрайди. Менга қолса, экологик ҳолатни, маданиятни сув билан ўлчар, сув ҳолатига қараб аниқлар эдим. Тоғдаги музлик ва қорлардан бошлаб ирмоқлар, дарё-ю каналлар орқали то далагача етиб келган сувга қараб, шу атрофда яшаётган инсонларнинг маданияти, савияси, тафаккури, керак бўлса, ўтиши, келажаги ҳақида муайян хулосага келиш мумкин. Сувсиз ҳаёт йўқлигини ҳамма билади, лекин сувни асраш, тоза сақлаш тўғрисида, афсуски, ҳаммамиз бош қотиравермайди, бироқ барча одам тоза сув ичишни хоҳлайди.

БИЗНИ АСРА, ОНА ТАБИАТ!

Шу пайтгача ер юзиде юз минглаб турли-туман ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари яшаб, кейин бутунлай қириб кетган. Албатта, буларнинг асосий сабаби табиий жараён ёки иқлим ўзгариши, оғдатлар билан бўлиши. Бироқ охириги 100 йил ичида фан ва техника, санотнинг жадал ривожланиши, эътибор камлиги сабабли экологик ҳолат кескин сура-тада бузиляпти. Охир-оқибат ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламнинг кўпгина вакиллари қириб кетаётгани, ердаги ҳаётнинг фалокат ёқасига кескин сура-тада яқинлашиб бораётганига фақатгина инсон фаолияти сабаб бўлмоқда.

Бундан бери бир неча ўн минглаб жонзот ва ўсимлик турлари яшаб, кейин йўқ бўлиб кетмаган, дей-рада бузиляпти. Охир-оқибат ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламнинг кўпгина вакиллари қириб кетаётгани, ердаги ҳаётнинг фалокат ёқасига кескин сура-тада яқинлашиб бораётганига фақатгина инсон фаолияти сабаб бўлмоқда.


Ер – тирик мавжудот: севади, қадрлайди, керак бўлса, жазолайди. Инсон эса ундан узокда ҳаёт кечира олмайди. Ерни ўраб турувчи атмосфера қатламлари бор, у ўз пардаси – озон қатламга эга. Мен бу пардани боланинг она қорнида ўралиб турган пардасига қиёслайман. Бу парда соғлом бўлмас экан, жамик мавжудотга, қисқаси, ҳаётга тузатиб бўлмас шикаст етади.

Ерни ўраб турган атмосфера қатлами, унинг қобиғи, қаърида жойлашган турли элементлар, моддалар заминимиз ҳаёти учун зарур. Ўшаш элементлар юз минглаб йиллар мобайнида бир-бирига тортишиб, яқинлашиб, интилиб, маълум жойларда тўпланиб қо-

Ўқтам КАРИМОВ,
шифокор, табиб
Хоразм вилояти

«КЎП БОРА ЙИҚИЛДИМ, КЎП БОРА ТУРДИМ»

Оналар ҳақида ёзган ижодкорлар кўп. Муҳаммад Исмоилнинг «Бошимдаги тожим онам» китобини йиғламасдан ўқий олмайсиз.



Зулайхо она - Сирдарёнинг Ховос шаҳарчасида истикомат қилаётган оддий ўзбек онаси. У Муҳаммад Исмоилдек ижодкор инсонни ва яна 9 фарзандни дунёга келтирган, уларни тарбиялаб, вояга етказган. Бугун онахон хижрий ҳисобда 100 ёшда.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида шоир ва ёзувчи Муҳаммад Исмоилнинг «Ijodnashg» нашриётида чоп этилган «Бошимдаги тожим онам» ҳамда шоирнинг ижоди ҳақида устозлари, ҳамкасблари, дўстлари фикрлари жамланган «Қаторда норинг бўлса», «Очик осмон остида» номли китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

Унда ёзувчининг асарлари ҳақида Абдусайд Кўчимов, Аҳмадjon Мелибоев, Жамила Шермухаммедова, Шаҳодат Исахонова, Хулқаро Ҳамроева, Адхамбек Алимбеков, Исмаил Хушев, Тўлқин Хайит каби замонамизнинг забардаст ижодкорлари, олимлари чироили ва мантиқий фикрлар айтишди. Улар она ҳақидаги битиклар адабиётда бетакрорлигини таърифлашди. Кўпчилиги Муҳаммад Исмоилнинг яхши шоир ва ёзувчилиги билан бирга, меҳридаре, тоза қалб инсонлиги, Одил Ёқубов, Шукрулло, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Халима Худойбердиева, Турсунбой Содиқова, Рауф Парфи каби буюк ижодкорларга ўз вақтида юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уларнинг сеvimли шогирди бўлганини таъкидлашди.

Муҳаммад Исмоил билан узок йиллар телерадиокомпанияда бирга ишлаганимиз, - дейди таникли ёзувчи Тўлқин Хайит. - У оғир ва қийин вазиятларда ҳам студия раҳбари сифатида ўзини эмас, ходимларини ўйларди. Бир йили ўша пайтдаги Ўзбекистон телевидениесининг 1-каналда 250 нафар ишчи-ходим штати кискартариладиган бўлди. Ҳамманинг бу хабардан асаби бузилган эди. Чунки 250 нафар ходимнинг ичида таниқли журналисту диктордан тортиб, оддий муҳбир, оператор ва монтажчиларгача бор эди. Мен ҳам ўша рўйхатда эдим. Муҳаммадjon билан энди нима бўлади, нима қиламиз, деб гаплашдик. Хулоса шундай бўлдики, Муҳаммадjon телерадиокомпания раҳбари ҳузурига кириб, ходимларни ишда олиб қолиш масаласини кўндаланг қўядиган бўлди. Ахир ўша ходимлар ортида ҳар бирининг оиласи, уларнинг тақдирини бор эди. Муҳаммадjon катта раҳбарнинг ҳузуридан ёруғ юз билан чиқди. Унинг дипломатлиги, раҳбар сифатидаги журъати, тadbirkorлиги ва узокни кўра билиб айтган тақдирлари туфайли кетишга шайланиб юрган, «чемодан кайфият»даги ходимларнинг барчаси ишда қоладиган бўлди. Шу тариқа, «Ёшлар» телеканалда «Мунаввар тонг» тонгги дастури ташкил этилди ва 250 киши ўз ижодларини узок йиллар давом эттиришди.

Муҳаммад Исмоилнинг «Болаликнинг оппоқ осмони» номли хикоясида келтиришича, муаллиф ёшлигида каптар боқишга ишқибоз бўлади. Бир кун каптархона тозалаётганида қаттиқ шамол туриб, тўфон кўтарилди. Галлашиб учётган каптарлар ҳар томонга тўзғиб кетади. Шамолнинг кучлидиган баъзи каптарлар каптархонага зўрға етиб келса, баъзилари етиб келолмайди. Уларни ахтариб кўчага отилган муаллиф не кўз билан кўрсинки, каптарларнинг тожи ҳисобланган ёлдор каптери симёғоч устуни тагида қонга беланиб ётади. Уни қўлига олар экан, сеvimли қўшини кимдир рогатка билан уриб ўлдирганини билиб, инграб юборади. Икки кун туз тотмай юради. Ким ўлдирганини билса, қаттиқ ўч олмакчи бўлади. Шунда оналари ёнига чақириб, шундай дейди: -Ташта эришишдан кўра, уни бошқариб туриш қийин. Чироили кизга уйланишдан кўра, у билан рўзгор тутиб кетиш қийин. Яхши каптарга эгалик қилишдан кўра, уни асраб-авайлаш қийин. Ҳасад қилувчилар кеча ҳам бор эди, бу-



гун ҳам бор. Улар эртага ҳам бўладилар. Шунга яхши билгинки, сув қаттиқ жойда туради. Олма шохи кўчага чиқиб, пишган олмалар химоясиз қолдими, тамом, унга қўл чўзгувчилар, албатта, топилади. Агар қуёш ҳамманики бўлмай, кимникидир бўлганида эди, ё қуёшни уриб туширишган ёки ўша одамни аллақачон ўлдирган бўларди...

Муҳаммад Исмоилга бир вақтлар онаси Зулайхо момо айтган бу гапларни бугун ҳамма оналар ҳам фарзандларига айтишяптими? Афсуски, йўқ. Агар айтганларида, жамият бугун анча бошқароқ бўларди... Ёки бўлмаса, мана бу воқеадаги каби ҳолатларда оталар, оналар, виждонига қўлоқ тутаяптими? Гап билан эмас, амалда ўрнак бўляптими?

«Отам казо қилган йиллар эди... Рўзгоримизнинг ишонгани биттагина сигир эди. Сути пешма-пеш иччилар, қатиги ивтилар, ёғи овқатга ишлатиларди. Ҳамманинг ҳаёли сигирда эди. Сув берардик, ўт ташлардик, қўлу қуруқ нимаики топила, оғзига тутардик. Бир кун эрталаб донг қотиб қолдик. Сигиримиз қорни шишиб, оёғи тепага кўтарилганча ерда ётарди. Бу аччиқ қисматнинг захрини дарҳол сезган норасида сингилларим кий-чув кўтариб, йиғи-сигига тушишди. Мавлум бўлишча, пахтазорга қўйилган селитра солинган сув кечаси ариқларни бузиб, сигир болганган жойгача келган ва сигир сувдан ичгани, захарланиб ўлган.

Воқеадан хабар топиб етиб келган кўни-қўшни, деҳқонлар бири у, бири бу деб, охирида етим болаларнинг ҳақи бу, оч қолганда ўлимтик ейиш ҳам жоиз. Етимга ҳалол. Ким билиб ўтирибди ҳозир, сигирнинг терисини шиламизу, гўштига топириб юборамиз. Пули билан то қовун пишгунча рўзгор тебратиб турасизлар» деган тўхтамага келишди. Аммо Зулайхо момо кўнмади:

- «Етим одам бўлмасми, етиб, отга минмасми?! Бу норасидлар ҳам бир кун одам бўлиб қолар. Ҳаммага чидан кун бир кун буларнинг ҳам бошига чиқар. Ўлимтиқнинг пулига бокиб, эртага отасига нима деб жавоб бераман? Худодан кўркмайманми мен?.. Йўқ, болаларим, қани кетмонни олиб келинглар, чуқур қазиб сигирни кўмиб ташлаймиз. Қул ўлмай, ризки камаймас. Ризқимиз шу сигирдан келиб турганди. Энди худо бошқа ёқдан берса, ажабмас. Худонинг ризқ беришига ишонмаслик унга ишонмасликдир», деб сигирни кўмиб ташлашди.

Ҳаёт экан, йиқилганимда, гоҳ кимдир алдаб кетганида, гоҳ бир оғиз илиқ сўзга зор бўлганимда, иччимда «Сигир ўлди, бу иш якун топди, энди худо менга бошқа ризқ берар экан» дейману, бошқа ишнинг этагини туттишга андармон бўланам. Яширмайман, бундай «сигир»лар ҳаётимда кўп бора ўлди, кўп бора йиқилдим ва кўп бора ўрнимдан турдим...»

Хуллас, «Бошимдаги тожим онам» - 100 ёш билан юзлашган табарруқ ўзбек онасининг ҳаёт мактаби. Бу китобни ҳар бир фарзанд тарбиялаётган оналар, оталар ўқини керак.

Дарвоқе, тadbirkor кимдир айтиди, Зулайхо она қабилар «Миллат онаси» деган номга сазовор. Уларнинг панд-насихатлари, ибратли сўзлари ва ҳикмати хикояларини кенгроқ ёйишимиз, кўпроқ тарғиб этишимиз керак.



ТУРКИЯ МУЪЖИЗАЛАРИ

Туркия - Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашган мамлакат. Қадимги Эфес, Измир, Лаодикеяда бир вақтлар, яъни грек-византия даврида қурилган иншоотларни кўриб, Ғарб, «Тўпқопи саройи», «Новий масжид», «Буюк чамлижа» каби масжидларни зиёрат қилиб, Шарқ дунёсига тушиб қолгандек бўласиз. Туркияда Рим, Византия ва Усмонийлар империяси даври архитектура, осори-атиқалари сақланиб қолган.

Мамлакат марказида континентал, денгизга яқин ҳудудларда субтропик иқлим ҳукмрон. Минглаб километр масофаларда тоғ тизмалари ястаниб ётибди. Соҳилларни тўртта денгиз ювиб туради. Туркияда ўртача ойлик 1000 доллар, энг ками эса 450-500 доллар. Кемасозлик, машинасозлик, фармацевтика саноати ривожланган. Тиббиёт юқори даражада ва кенг қамровли. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси SGK тиббий суғурта тизимига киритилган. Аҳоли давлат шифохоналарида бепул даволанади. Шаҳар кўчаларида дорихоналарни деярли учратмайсиз. Маҳаллий аҳолининг айтишича, дорихоналар фақат шифохоналар қошида бўлар экан. Беморлар учун рецепта кўрсатилган дори-дармонларнинг бешдан бир қисмига имтиёз, чегирма бор. Бу ҳам ижтимоий химоянинг бир кўриниши, албатта.

Мақтабгача ва ўрта таълим давлат томонидан молиялаштирилади. Соҳага ҳар йили бюджетдан ўртача 14 миллиард доллар ажратилади. Мақтабгача таълим муассасаларида болажонларнинг жамиятга мослашувчанлиги шакллантирилади. Ота-оналарнинг ўқитувчилар ёки боғча тарбиячиларига совға-салом бериши таъкидланган. Мақтаб ўқитувчиларининг ўртача маоши 1000 доллар атрофида.

Туркияда барча саноат корхоналари шахарлардан осларда, аҳоли кам истикомат қиладиган ҳудудларда жойлашган. Магистрал йўллар шунчалик текиски, автомобиллар «маза қилади». Йўл чеккалари дарахт ва буталар экилган, арчалар, гуллар диллингизни хушнуд этади. Ҳар хил целлофан пакетларни умуман учратмайсиз.

Узоқ масофали йўлларнинг маълум қисмларида турли дўконлар, овқатланиш шохобчаларидан иборат майиш жамланмалар барпо этилган. Бу йўловчилар учун айни муддаодир. Кўп қаватли уйлarning ташки кўриниши ўзбошимчалик билан ўзгартрилмайди. Яъни балқонлар ёпилмайди, кир ейиш учун доллар тортилмайди...

Мамлакатда никоҳларнинг бузилиши кам учрайди. Чунки ажрашадиган томонларга, айниқса, эркакка яхшигина молиявий юк тушади. Ажрашиш учун аризага, аванс тўловига, давлат божига, агар адвокат ҳам ёлланса... Хуллас, турли тўловлар учун умумий ҳисобда тахминан 60000 лира атрофида маблағ сарфланади. Бу 4000 АКШ долларидан ошади.

Ажрашган эр фарзандига алимент тўлашидан ташқари, собиқ рафикасига ҳам тоvon пули тўлайди. Бу аёлининг қайта турмуш қўриши ёки иш топгунига қадар давом этади. Уй-жой, мол-мулк эр-хотин ўртасида тенг бўлинади. Фарзанд улғайгач, харажатлар ортиб, алимент етмай қолса, алимент пули миқдорини ошириш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Мамлакатда туризм ривожланган ва бу соҳа бўйича дунёда 6-ўринда. Тизимда 2 миллиондан ошмиқ киши фаолият юритади. Сайёҳларга 3000 га яқин меҳмонхона, турли дам олиш масканлари, денгиз соҳилларидаги пляжлар хизмат кўрсатади.

Ҳар йили Туркияга миллионлаб сайёҳ келади. Ўтган йили сайёҳлик бизнесидан 56 миллиард доллар жамғарилган. Жорий йилда эса 60 миллион нафар сайёҳни қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, бундан 60 миллиард АКШ доллари миқдорига даромад қилиш кутилмоқда.

Дўконларни айлансангиз, асосан турк маҳсулотларига кўзингиз тушади. Маҳаллий аҳоли бундай ёндашувдан рози. Чунки турк тadbirkorлари сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Бу ҳам валютанинг четга чиқиб кетмаслигини таъминлайди. Турк саноати, текстили ва озиқ-овқат маҳсулотларига чет элларда талаб катта.

Туркия муъжизасини мамлакатда қонунларнинг ишлаши, тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилинишида кўрдим. Қарда бўлманг, ҳаммаси рисоладагидек. Жамоат транспортдан тортиб, меҳмонхона, музей, савдо марказларидаги тартиб-интизом кишини хайратга солади. Шунинг учун бўлса керак, бу мамлакат қайта-қайта ўзига чорлайди ва албатта, соғинтиради ҳам.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Оғриқ тишлар

Ташаббусли бюджет машмашаси: ЛОЙИҲАДА БОР, АМАЛДА ЙЎҚ АСФАЛЬТ



Ташаббусли бюджет амалиётга татбиқ этилган, одамлар кўплашиб, овоз тўплаб, ўз ҳудудининг кам-кўстини бутлашяпти, бир неча йиллардан буён ечилмай келадиган муаммоларини ижобий ҳал этишмоқда. Кимдир асфальт, яна бири ичимлик суви, бошқаси симёғочларни янгилаш, хуллас, маҳалла ахли бир ёқадан бош чиқариб, лойиҳада ғойиб бўлиш учун жон куйдиришмоқда. Мавсум бошланиши биланоқ одамлар гавжум жойлар, айниқса, метро бекатларида «Бир овозга битта қола», «Бир овозга битта ёғ», ҳатто «Бир овозга юз минг сўм», деган гаплар янграмоқда. Балки бу бир тарафдан тўғридир, кўпчилик эътироф этаётганидек, одамларни бирдамликка, ҳамжихатликка қорлаётган одилонга ва оқилона ташаббусдир. Аммо масаланинг ҳавотирли бошқа жиҳати ҳам бор. Масалан, аҳоли биргалашиб, овоз тўплади ва ғойиб бўлди. Аранг мақсадга етиб қолганда эса ҳафсаласи пир бўлмоқда. Кўплаб лойиҳалар ўлда-жўлда, қўл учидега бажарилляпти. Кискаси, айрим мутасаддилар «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига ҳам «ўрнатилган тартибда» ёндашмоқда. Бунинг жабрини эса ҳар доимидек халқ дормоқда. Тошкент вилоятининг Паркент тумани, Чанги қишлоғи, Кунгай маҳалласи аҳолиси ҳам айни шу муаммо юзасидан тахририятга мурожаат йўллади.

Шикоятда келтирилишича, шу маҳалладаги Навданак кўчасининг 2000 метрлик, Зарзиндон кўчасининг 1000 метрлик қисми асфальт қилиш учун 2024 йил 7 февралда очик бюджетга қўйилган. Лойиҳа қиймати - 1 миллиард 360 миллион сўм. - Маҳалламизда ҳар қандай тadbirkor хамжихатлик билан амалга оширилади, - дейди шикоятчилардан бири Дониёр Курбонхўжаев. - Опен бюджет лойиҳасида кўчаларимизни асфальт қилиш бўйича ғойиб бўлди. Маҳалладошлар ўзаро маслаҳатлашиб, асфальтлаш олдидан хашар уюштириб, ариқларни бетонлашти, йўл ёқаларини текисладик. Аммо эрта қувонган, денгизни кўрмай, этик ечган эканмиз. Ишлар биз кутгандек бўлмади. Навданак кўчасининг 110 метрлик қисми лойиҳада кўрсатилган бўлса-да, асфальт қилинмади. Йўл қурилиш ташкилоти махсус техникаларини олиб кетди. Бундан норози бўлиб, мутасаддиларни сўроққа тутдик. Дастлаб маҳалла раиси қолган ҳудуд ҳам тез кунда асфальтланишини айтиб, бизни юпатди. Лекин ўша «тез кун»дан дарак бўлмади. Шундан сўнг туман йўл қурилиши раҳбарига учрадик. Унинг айтишича, лойиҳада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажариллибди. Кизик, мутасадди айтиётганидек, лойиҳа тўлиқ бажарилган бўлса, бизнинг кўчамизга ажратилган ас-

фальт қани? Бошида ўзлари кўчамизни текислаб, шағал тўкиб, асфальтлашга тайёр қилиб кетинганди-ку! Биз «Опен бюджет»да 3 минг (Навданак кўчаси 2000, Зарзиндон кўчаси 1000) метрлик йўл асфальтланиши учун маблағ ютиб олганми. Сўраб-суриштиришга ҳақимиз бор, маҳалламизни асфальт қилиш учун озмонча ҳаракат қилмадик, ахир. Хўш, бугеги неча пулдан тушди? Кунгайликлар кимга ишонсин? Маҳалла раисини ёки йўл қурилиши раҳбарига? Умуман, лойиҳаси тасдиқланган, дастурга киритилган қўчаннинг асфальти қаерга ғойиб бўлди? Бунга ким ойдинлик қилди? Ҳар ҳолда, кунгайликлар кўчалари асфальтланишини ҳали-ҳамон катта умид билан кутишмоқда.

Фуломжон МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»

MYACCSIC: UzbeKiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

«Ishonch» va «Ishonch-Doeverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qultimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MAREN'YAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doeverie»)

Bosh muharrir Husan ERHATOV

Bo'limalar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Bukhoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Hahanov

Musahihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti - 22:20, Topshirildi - 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Bukhoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 021 ta, Shundan: 7 139 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turen ko'chasi, 41-uyda;

19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 799 nusxasi «PoligrafPress» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1011 1 2 3 4 5 6